

## Макка аҳлининг диёнати



09:10 / 17.10.2019 2181

Исломдан аввал нафақат Макка аҳли, балки Арабистон яримороли аҳолисининг кўп қисми бут-санамларга ибодат қиларди. Юқорида ҳам таъкидланганидек, Маккага ҳайкалларни илк бор Хузоъа қабиласи ҳукмронлиги даврида Амр ибн Луай Хузоъий деган кимса Шом диёридан олиб келган эди. Маккаликлар, кейинчалик бошқа араблар ҳам бут-санамларга ибодат қилишга шу қадар берилиб кетишдики, Иброҳим алайҳиссаломнинг динидан Байтуллоҳни улуғлаш одатидан бошқа ҳеч нарса қолмади.

Каъбани қайта қуриш (*ҳижратдан аввалги 18 йил; милодий 605 йил*)

Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам ўттиз беш ёшга кирганларида, қурайшликлар Каъбани бузиб ташлаб, қайта қуришга энг шимаришди. Замон ўтиши, хусусан, Каъбада ёнғин чиққани ва сел келгани оқибатида қайта қуриш зарурати туғилиб қолган эди.

Қурилишни бошлаб, ҳамжихатлик ила иш олиб боришди. Аммо Ҳажарул асвадни жойига қўйиш вақти келганда ихтилоф чиқди. Ҳар бир қабила бу шарафли иш ўзига бўлишини хоҳлар эди. Ихтилоф кучайиб, уруш чиқиш хавфи туғилди.

Баъзилар жангга ҳозирлана бошлашди. Бану Абдуддор уруғи бир тоғорада қон олиб келишди. Улар Бану Адий уруғи билан келишган ҳолда қўлларини тоғорадаги қонга ботириб, ўлимга тайёр эканларини эълон қилишди. Бу

ҳол «Уруш бўлади», дегани эди.

Шу ҳолатда тўрт-беш кун туриб қолишди. Узоқ баҳслашувлардан кейин ишни уларнинг олдига асосий дарвозадан биринчи бўлиб кириб келган кишига ҳавола қилишга келишдилар.

Уларнинг олдига Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам биринчи бўлиб кириб келдилар. У зотни кўришлари билан ҳаммалари хурсанд бўлиб: «Ана, Муҳаммад келди! Ана, Амин келди! Рози бўлдик! Ишни унга ҳавола қилишга розимиз!» дейишди.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам улардан бир ридо келтиришларини сўрадилар. Уни олиб, ерга ёздилар. Ҳажарул асвадни кўтариб, ридонинг ўртасига қўйдилар ва ҳар уруғдан биттадан вакил келиб, ридонинг бир четидан тутиб, кўтаришини таклиф қилдилар. Вакиллар кўтариб олиб келганларидан сўнг ўзлари Ҳажарул асвадни жойига қўйдилар. Шундай қилиб, у зот ўзларининг беқиёс ҳикматлари ила урушнинг олдини олдилар.

Бу у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бутун дунё халқларини сулҳга ва тинчликка бошлашларининг муқаддимаси эди.

Ана шундай тарзда Аллоҳ таоло Ўзининг бўлажак пайғамбарининг ҳамма тарафдан етук бўлишини таъминлаб келди.

У зотнинг насаблари пок насаб бўлишини таъминлади.

У зотнинг яратилишлари бенуқсон, муборак таналарининг пок ва жисмонан тўқис, шунингдек, хулқлари бекаму кўст бўлишини таъминлади.

Мана шу тарзда, Аллоҳ таолонинг иродаси ила охирзамон пайғамбари қилиб юборилишлари учун барча шароитлар муҳайё бўлди.

**«Ислом тарихи» биринчи китоб**